



CERTAIN ASPECTS OF THE LEGAL STATUS OF THE APPLICANT AS A PARTICIPANT IN ADMINISTRATIVE PROCEEDINGS

Guljakhon Madrakhimova

independent researcher

Tashkent State University of Law

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: guljahon_20@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Administrative court, procedural rights, participant, court decision, appeal to court, application, petition, judge, persons participating in the case, persons assisting justice

Received: 10.12.24

Accepted: 12.12.24

Published: 14.12.24

Abstract: This article is dedicated to studying the legal status of an individual participating in administrative proceedings as an applicant. The article analyzes the rights and obligations of the applicant, their role and position in the court, and the significance of the applicant's status in administrative cases. Additionally, the article examines the normative legal foundations of the applicant's legal status and some problematic aspects corresponding to current legislation. Proposals are made for further improvement in protecting the rights and interests of the applicant by strengthening their status in administrative proceedings.

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ИШТИРОКЧИСИ СИФАТИДА АРИЗАЧИ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Гулжаҳон Мадраҳимова

мустақил тадқиқотчи

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: guljahon_20@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Маъмурий суд, процессуал ҳуқуқлар, иштирокчи, суд қарори, судга мурожаат қилиш, ариза, илтимоснома, судья, ишда иштирок этувчи ахслар, одил судловга кўмаклашувчи шахслар

Аннотация: Ушбу мақола маъмурий суд ишларини юритишда аризачи сифатида иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқий мақомини ўрганишга бағишланган. Мақолада аризачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг суддаги ўрни ва роли, маъмурий ишларда аризачи

мақомининг аҳамияти таҳлил қилинади. Шунингдек, аризачи ҳуқуқий мақомининг норматив-ҳуқуқий асослари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ келадиган айрим муаммоли жиҳатлар кўриб чиқилади. Мақолада маъмурий суд ишларини юритишда аризачи мақомини мустақамлаш орқали унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада такомиллаштиришга доир таклифлар берилди.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПРАВОВОГО СТАТУСА ЗАЯВИТЕЛЯ КАК УЧАСТНИКА АДМИНИСТРАТИВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА

Гулжаҳон Мадрахимова

независимый исследователь

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

E-mail: guljahon_20@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Административный суд, процессуальные права, участник, судебное решение, обращение в суд, заявление, прошение, судья, лица участвующие в деле, лица содействующие правосудию

Аннотация: Данная статья посвящена исследованию правового статуса лица, участвующего в административном судопроизводстве в качестве заявителя. В статье анализируются права и обязанности заявителя, его роль и место в суде, а также значение статуса заявителя в административных делах. Кроме того, рассматриваются нормативно-правовые основы правового статуса заявителя и некоторые проблемные аспекты, соответствующие действующему законодательству. В статье приводятся предложения по дальнейшему совершенствованию защиты прав и интересов заявителя посредством укрепления его статуса в административном судопроизводстве.

Маъмурий суд ишларини юритиш тизими мамлакатда давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни адолатли ҳал этишни таъминлаш учун муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади. Бу жараёнда аризачи сифатида иштирок этишнинг ҳуқуқий мақоми аҳамиятли масала бўлиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мақоми, ишлаш жараёнидаги роли бевосита маъмурий суд ишларини самарали юритишга таъсир кўрсатади.

Маъмурий суд ишларини юритиш субъектлари ишнинг натижасига таъсир қилиш даражасига, хусусиятига қараб турли позицияларига эга. Шу сабабли, маъмурий, шунингдек, фуқаролик субъектлари суд жараёнларида уч гуруҳга бўлинади.

1. Судлар;
2. Ишда иштирок этувчи шахслар;
3. Одил судловга кўмаклашувчи шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 37-моддасида маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг таркиби келтирилган бўлиб, унда ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчилари эканлиги кўрсатилган. Кодекснинг 38-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар жумласига тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар ўз зиммаларига юклатилган ваколатларга кўра ишда иштирок этувчи шахслар кириши назарда тутилган. Шу билан бирга, Кодекснинг 40-моддасига кўра аризачи деганда ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этилган фуқаролар ва юридик шахслар аризачилардир.

Аризачи сўзининг маъноси жуда кенг маънода қўлланилади. Бунда ушбу тушунчани фуқаролик, маъмурий, жиноят ва иқтисодий йўналишларда турли хил фарқлаш мумкин бўлади. Аризачи — маъмурий процессда ўзининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этган фуқаролар ва юридик шахслардир.

Аризачи фуқаролик процессида фуқаролик ишлари бўйича судларда муайян ҳуқуқ кимга тегишли эканлиги юзасидан низолашилаётган жисмоний ёки юридик шахслар. Фуқаролик ишларини судда кўриб чиқиш жараёнида аризачиларнинг иштирок этиши жараёни назарда тутилади. Аризачи фуқаролик ҳуқуқи жараёнида даъвогар деб юритилади. Фуқаролик ҳуқуқида аризачиларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 40-моддасида кўрсатилган бўлиб, унда аризачи (даъвогар)нинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, суд муҳокамаси давомида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш), суд ҳужжатларининг мажбурий ижросини талаб қилиш,

давлат ижрочиси томонидан ҳаракатлар содир этилишида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Жиноят процессида аризачи сифатида суд жараёнида иштирок этадиган ва ўз ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоят қилиш мақсадида далилларни текширишда қатнашадиган, далиллар тақдим қила оладиган, бошқа тараф хулосалари юзасидан низолашадиган, шикоятлар қила оладиган ва бошқа жиной процессуал ваколатларга эга бўлган шахслар қатнашиши мумкин.

Иқтисодий судларда аризачининг мақоми Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида назарда тутилган бўлиб, ушбу кодекснинг 43-моддасига кўра даъвогар (аризачи) ва жавобгар иқтисодий суд ишларини юритишдаги тарафлардир.

Ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этган ёки манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган юридик шахслар ва фуқаролар даъвогарлардир.

Аризачи маъмурий судга фақат ўзи ариза топширмасдан, унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, давлат органлари ва бошқа шахслар фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ариза бериши мумкин. Ариза берган мазкур органлар ва шахслар аризачининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ҳамда унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Қонунга мувофиқ аризачининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб, давлат органлари ва бошқа шахслар фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ариза бериши мумкин ва улар аризачининг ҳуқуқлари ва процессуал мажбуриятларидан фойдаланади.

Аризачининг **ҳуқуқлари** қуйидагиларни ўз ичига олади:

Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи: Аризачи маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан ўз ҳуқуқлари ёки манфаатлари бузилган деб ҳисобласа, судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тенглик ва ҳимоя ҳуқуқи: Аризачи суд жараёнида ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда тенглик принципига амал қилишини талаб қилишга ҳақли.

Суд қарорига нисбатан шикоят қилиш ҳуқуқи: Агар аризачи суд қарорига қониқмаган бўлса, юқори суд инстанцияларига шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Аризачининг **мажбуриятлари** эса қуйидаги қоидаларда акс этади:

Судга тўғри ва ҳолис маълумотлар тақдим этиш мажбурияти: Аризачи судга мурожаат қилганда, ҳақиқатни акс эттирадиган маълумотларни тақдим этишга мажбур.

Суд жараёнида иштирок этиш мажбурияти: Зарур ҳолларда, аризачи суд мажлисларига қатнашиш мажбуриятига эга.

Хорижий мамлакатларда ҳам маъмурий суд ишларини юритишда аризачининг ҳуқуқий мақоми муҳим масала ҳисобланади. Масалан, Германияда маъмурий суд жараёнида аризачи нафақат фуқаролик ҳуқуқлари бузилганда, балки давлат органлари томонидан қабул қилинган қарорлардан шикоят қилиш имкониятига ҳам эга.

Ишда прокурор, бошқа шахсларнинг манфаатлари ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қиладиган ёки ноаниқ органлар, ташкилотлар ва шахслар одамлар доираси ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, биринчи навбатда юридик шахсларнинг мавжудлиги билан ҳамда маъмурий ишнинг натижаси билан ҳам тавсифланади.

Бундан ташқари, ишда иштирок этувчи шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида:

-уларнинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқладиган манфаатлари, маъмурий ишларда фаол иштирок этиш имконияти,

- суд жараёнида суд иши бўйича барча моддий ва процессуал ҳуқуқий масалаларни кўриб чиқиши.

Ишда иштирок этувчи шахслар муайян иш бўйича маъмурий суд жараёнининг фаол таъсир кўрсатиши мумкин яъни суд муҳокамасида юзага келадиган барча масалалар юзасидан ўз фикрини билдириш ва асослаш ҳуқуқига эгадир. Ушбу жараён шикоятлар бериш орқали ҳам мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари кўрсатилган бўлиб, судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш ҳуқуқлари кўрсатилган бўлиб, қонунда прокуратура органлари маъмурий низоларни маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиганда ишларда иштирок этиш ва суд ҳужжатларига протест келтириш ҳуқуқи кўрсатилмаган.

Ушбу қонуннинг 41-моддасида прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ва прокурорнинг аризаси суд томонидан қонунчиликда назарда тутилган тартибда кўриб чиқилиши назарда тутилган.

Жаҳонда маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишда маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиси сифатида прокурорнинг фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқладиган манфаатларини таъминлашда алоҳида ўрни мавжуд. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа

Кенгашининг маслаҳат органи ҳисобланган Венеция комиссиясининг тавсияларида прокурор аҳолининг алоҳида қатламларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, давлат ва оммавий манфаатларни кўзлаб маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этиши орқали процессуал ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга имконият яратилиши белгиланган. Шу муносабат билан, хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилган ҳолда республикамизда прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири сифатида маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини белгилаш, прокурор вазифалари, ваколатларининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш, ушбу соҳада прокурор фаолиятининг баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, қуйи турувчи прокурор ўринбосарларининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини такомиллаштириш, ишларни мурожаатлар асосида суддан чақириб олиш ва юқори судларга протест келтиришнинг ҳуқуқий механизминини янада соддалаштириш долзарб аҳамият эга.

Ҳаракатлар стратегиясининг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 52-бандида “Судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш” устувор йўналиши сифатида белгиланган, Бош прокуратурада маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимларининг ташкил этилган.

Маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида келишув битими ёки медиация келишувини жорий этиш низоларни тез ва сифатли ҳал этиш, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Маъмурий судга аризачининг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида бошқа ташкилотлар, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига асосан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан даъволар тақдим этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиши; Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги қонунининг 8-моддасида тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб аризалар, даъволар ва шикоятлар билан судларга давлат божи тўламасдан мурожаат этиш назарда тутилган.

Бундай ҳолатларда бошқа органлар ҳам аризачининг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан тўлиқ фойдаланади. Бундан фақат аризачининг номидан аризадан воз кечиш ҳуқуқи мустасно.

Маъмурий суд ишларини кўришда энг асосий масалалардан бири бу ишда иштирок этувчи шахсларнинг қисқача тавсифидир. Бу шахслар мураккаб таркибни ифодалайди. Тарафларни тавсифлашда, хусусан аризачини тавсифлашда бунга эътибор бериш керак. Маъмурий иш юритишда аризачи муайян иш бўйича жараённинг асосий иштирокчиси ҳисобланади. Чунки, аризачи бўлмаса, маъмурий судларда иш ҳам бўлмайди ва уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам юзага келмайди.

Аризачи ва жавобгар ўртасидаги низо муносабати билан судда маъмурий иш жараёни юзага келади ва суд ўз олдига ушбу низони ҳал этиш масаласини ҳам кўяди.

Маъмурий судда томонлар ўзларининг ҳуқуқий мақоми бўйича тенгдир. Уларнинг манфаатлари маъмурий жиҳатдан тенг даражада ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунида манфаатдор шахс тушунчаси берилган бўлиб, манфаатдор шахс деганда - қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс тушунилиши қайд этилган.

Демак, манфаатдор шахс тушунчаси аризачи тушунчасидан кенгроқ тушунча бўлиб, манфаатдор шахс судгача бўлган процессуал жараёнларда ҳам қатнашади.

Бошқача қилиб айтганда, манфаатдор шахслар - бу қарор билан ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилиши мумкин бўлган шахслардир.

Судда вакиллар маъмурий иш юритишда ўзлари вакиллик қилаётган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Юридик адабиётларда маъмурий ишдаги аризачи моддий ва ҳуқуқий низо суд муҳокамасининг предметига айланган шахсдир.

Маъмурий судда аризачига қуйидагилар мажбурий белгилари мавжуд бўлиши керак.

1. Аризачида ҳамма вақтда маъмурий даъво бўлиши керак. Чунки, фақат ҳуқуқ субъекти тараф бўла олади.

2. Аризачи ариза билан мурожаат қилганда фақат муайян мавзуга мурожаат қилиши керак яъни ариза предмети ва асоси мавжуд бўлиши керак.

3. Аризачида процессуал ҳуқуқ лаёқати мавжуд бўлиши керак.

4. Субъект моддий-ҳуқуқий низонинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлиши лозим.

Маъмурий даъвогар-ўзининг жамоат ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилган шахсдир.

Юридик адабиётларда процесс тарафи борасида ўзига хос илмий назарий ёндошувлар шакллантирилган. Бунда процессдаги тарафларнинг ҳуқуқий муносабат субъектчилиги ёки ягона иштирокчилик категориясининг нисбати таҳлил этилган.

Жумладан, Е.В.Михайлованинг қайд этишича, процесс тарафи бу аниқ жисмоний ёки юридик шахс эмас, балки категория, мақом, роль бўлиб сон жиҳатидан чекланмаган доирадаги жисмоний ва юридик шахслардан ташкил топади. Шу боис процессда тараф категория сифатида битта бўлиб ҳисобланади, бироқ бир-биридан мустақил манфаатларга эга бўлган субъектлар томонидан ифодаланади.

Фикримизча, назарий жиҳатдан Е.М.Михайлованинг фикрини қўллаб қувватлаш мумкин. Чунки, процесс тарафи умумий тушунча бўлиб, бундай ёндашув амалдаги МСЮтКда ўз ифодасини топган. МСЮтКнинг 40-моддаси ҳам «тарафлар» деб номланади, бироқ МСЮтКда алоҳида аризачи, жавобгар деган махсус модда учрамайди. Бу эса, ўз навбатида, процессда тарафларнинг ҳуқуқий категория эканлигини англатади.

Бундан ташқари, оммавий ҳуқуқий муносабатларда бир маъмурий органга нисбатан бир шахслар гуруҳи томонидан ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мурожаат қилиши мумкин бўлади.

Шахслар гуруҳи томонидан суд ишини қўзғатишнинг асосий концептуал ғояси талаб предмети сифатидаги ҳуқуқий муносабатнинг ягоналигидан келиб чиқади. Чунки шахслар гуруҳи томонидан ариза билан мурожаат қилиниши уларнинг манфаатлари бирлиги ҳамда эрк-иродаларининг ҳам бир-бирига мос келишини англатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, маъмурий суд ишларини юритишда аризачи тушунчаси ўзига хос аҳамият касб этиб, бу жисмоний ва юридик шахслар бўлиши билан ифодаланади.

Шунингдек, маъмурий суд ишларини юритишда аризачи тушунчаси ва уларнинг процессуал ҳуқуқ лаёқатини аниқлаш умумий асосларига кўра белгиланиб, доктринал ёндошув ҳам суд ишларини юритишда фуқаролик, иқтисодий суд ишларини юритишдаги тушунчалар билан умумий ўхшашлик касб этади.

Суд амалиётида давлат органлари ҳам аризачи бўлиш ҳолатлари (адвокат лицензиясини бекор қилиш бўйича адлия органлари аризачи сифатида бўлиши) борлиги учун аризачи таърифини ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу сабабли, МСИЮтКнинг 40-моддасини кўйидагича таҳрирлаш таклиф этилади: *Ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланаётган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этилган фуқаролар ва юридик шахслар, шунингдек қонун ҳужжатларида судга аризачи сифатида ариза киритиш ваколати берилган давлат органлари аризачилардир.*

Умуман олганда, маъмурий суд ишларини юритиш коидалари узоқ вақтлардан бери фуқаролик ва иқтисодий процессда амал қилиб келаётган назарий коидалар ва ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, шу икки ҳуқуқ соҳасидан маъмурий суд ишларини юритишнинг процессуал асослари пайдо бўлганлигини эътироф этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Административное судопроизводство: Практикум: Учебное пособие / Под ред. В.В. Яркова, К.А. Малюшина. – М.: Статут, 2016.
2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишлари юритиш тўғрисидаги кодекс // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон(lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессул кодекс // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2023 й 03/23/887/0972-сон(lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессул кодекс // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2023 й.03/23/888/0976-сон(lex.uz)
5. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуни, // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2001 йил 257-2-сон(lex.uz)
6. Г.Мадраҳимова Маъмурий суд ишларини юритишда процессуал ҳуқуқлардан инсофли фойдаланиш масаласи // Шарқ тарихи, сиёсати ва ҳуқуқи журнали, DOI: <https://doi.org/10.37547/supsci-ojhp1-04-07-07.>, 2024 ISSN 2181-2780
7. Rec 2005 (63) / <https://www.venice.coe.int/>
8. WebForms/pages/?p=01_Presentation&lang=RU
9. Ш.Шайзаков Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари // 2021 й
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.03.2020 йилдаги 5953-сонли Фармони билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури 52-банди.[электрон кутубхона], қаралган вақти 10.08.2021 й. <https://lex.uz/docs/4751561>
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида” 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5019-сонли Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 285-модда.
12. Михайлова Е.В. Правовой статус сторон в гражданском процессе Российской Федерации. Автореф. дисс... канд. юрид.наук. – Самара, 2004. – 26 с.